

Истинжо қилишнинг одоблари



17:00 / 10.01.2021 5391

«Истинжо» луғатда «ахлат кетказиш» маъносидадир. Фуқаҳолар истилоҳида эса, нажосатни сув ва шунга ўхшаш нарса ила кетказиш ёки тошга ўхшаш нарса билан артишга «истинжо» дейилади.

– Уйқу ва елдан бошқа ҳар бир таҳоратни кетказувчи нарсадан тошга ўхшаш нарса ила истинжо қилиш суннатдир.

– Уйқу ва ел, ҳушдан кетиш, жиннилик, мастлик каби таҳоратни кетказувчи нарсалардан ҳам истинжо қилинмайди.

– Қолганларидан, агар нажас бир дирҳам миқдоридан кам бўлса, истинжо қилиш суннатдир.

– Суяк, тезак, таом, кўмир, шиша, латта, дарахт баргига ўхшаш нарсалар ва ўнг қўл билан истинжо қилиш мумкин эмас.

- Умуман фойдали нарсалар билан истинжо қилиб бўлмайди.
- Фойдаланиладиган қоғоз билан, хусусан, ёзуви бор қоғоз билан истинжо қилишга рухсат берилмаган.
- Истинжо учун алоҳида тайёрланган қоғоз билан истинжо қилишга барча уламолар рухсат беришган. Чунки бу шу мақсад учун махсус тайёрланган қоғоздир.
- Артиб тозаланган аъзони кейин ювиш одобдир.
- Агар нажосат махраждан бир дирҳамдан кўпроқ тарқалган бўлса, истинжо қилиш вожибдир.
- Аввал қўлини ювганидан кейин нажосатни бармоқларининг ич тарафи ила махражини тўла бўшаштирган ҳолда ювади.
- Кейин қўлини яхшилаб ювади. Шунда қўлига теккан нажосат ва ноқулай ҳидлар кетади.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди